
Соғлом юртда - соғлом авлод тарғибот тадбири ўтказилди

Қува туман Акбаробод МФЙ ҳудудидаги Педагогика коллежида туман оила ва хотин-қизлар бўлими, тумандаги 80-ОП-Оилавий поликлиника шифокорлари, Тарғибот ва оқила аёллар ҳаракати аъзолари ҳамкорлигида 7 апрел - "Бутунжаҳон саломатлик куни" муносабати билан "Соғлом юртда - соғлом авлод" деб номланган тадбир ўтказилди.

Тадбирга маҳалла фаоллари, уй бекалари, отинойилар, ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг оқори синф ўқувчи қизлари катнашдилар.

Тадбирда инсон саломатлиги, турли касалликлар ва уларни олдини олиш борасида шифокорлар томонидан берилган тиббий маълумотлар, намоиш этилган саҳна кўринишлари катнашувчиларда катта таъсурот колдирди.

Шунингдек, тадбирда Республика юсак салоҳият жамоа бирлашмаси Фарғона филиали ходимлари иштирок этиб, ўзларининг "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, Кўкрак саратони" мавзуларида видеороликлар намоиш қилишди.

2023-04-08 11:09:46